O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 16 июнь ШАНБА

№ 49 (11.956)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Болалар ёзи – 2007



# МАРОҚЛИ КУНЛАР БОШЛАНДИ

«Металлург» болалар оромгоҳи Чорвоқ денгизи бўйидаги сердарахт масканда жойлашган. Кечки пайт мавсумнинг очилишига бағишланган тантаналар бошланди. Болалар майдон бўйлаб саф тортишгач, бош тарбиячи Каромат Йўлдошева гуруҳларнинг вакилларига Давлат байроғини кўтаришни буюрди. Давлат мадҳияси янгради.

Бекобод металлургларининг 300 фарзанди Бурчмулла яқинидаги сўлим оромгоҳда дам олишни шу тариқа бошлашди. Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши ҳамда «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари болаларни шу қувончли дамлар билан қутлашди. Гулхан ёқилди. Болалар шўх-шўх мусиқа садолари остида рақс тушиб, қўшиқлар куйлашди. Дискотека узоқ давом этди.

– Ёз бўйи бу оромгоҳда 1200 ўғил-қизимиз мириқиб дам олади, – деди «Ўзметкомбинат» касаба қўмитаси раиси Илҳом Қурбонов. – Чирчиқ меҳрибонлик уйининг ўн нафар тарбияланувчиси ёзни шу ерда ўтказади. Корхонамиз маъмурияти, касаба қўмитаси мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Комбинат кунлик овқатлантириш учун ҳар бола ҳисобига қўшимча 2500 сўмдан маблағ ажратди. Энди гап улар бу ерда ўтказадиган кунларни мазмунли, қизиқарли, энг муҳими, болакайларимизнинг маънавий-жисмоний камолоти учун фойдали тарзда ташкил этишда.



Вилоят корхона ва ташкилотлари тасарруфида бўлган 11 та болалар оромгоҳида бу йил 10 минг 920 бола мириқиб дам олади.

– Шуни айтиш керакки, шаҳардан ташқари, шунингдек мактаб ва коллежлар қошидаги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш мақсадларига 822,5 миллион сўм маблағ сарфланмоқда, – дейди вилоят бирлашган касаба кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. – Унинг 567 миллион сўми касаба ташкилотлари, 255,5 миллион сўми ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси, хўжалик ташкилотлари ва ҳомийлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларнинг 270 тарбияланувчиси, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 960 фарзанди бепул дам олдирилиб, соғломлаштирилади.

Ёзги оромгоҳлар дам олувчиларни қабул қилиб олмоқда. Куни кеча Тошкент темирйўл вокзалида Хоразм вилоятидан келган 450 бола кутиб олинди. Хива, Урганч, Хонқа, Хазорасп ва бошқа туманлардан келган болалар автобусларга ўтириб, «Келажак», «Коинот», «Йўлчи», «Сумча» оромгоҳларига жўнаб кетишди.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирларининг кенг кўламли дастурларини амалга оширишга киришилди. Театр ва концерт гуруҳлари болалар учун томошалар тайёрлашган. Таниқли шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар билан учрашувлар режаланган. Касаба уюшмалари бирлашмаси вилоят кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий кенгашлари, маънавият-тарғибот маркази, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бу ишларга бош-қош бўладилар. Мавсум давомида барча оромгоҳларда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида ёш юлдузлар фестиваллари ўтказилади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:**
хоразмлик болалар вилоятимиз оромгоҳларига келаётганларидан мамнунлар.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Ҳар бир кун бизни мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 16 йиллигини тантанали нишонлайдиган қутлуғ кунларга яқинлаштирмоқда. Биз бу миллий байрамимизни кўнгилларимиз қувончга тўлган, фикру зикримизни шу азиз Ватанимизда тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратган ҳолда кутиб олишга интилаяпмиз.**




# МИЛЛИЙЛИК ТУЙҒУСИ

Ўтаётган ҳар бир кун каттаю кичик қалбида келажакка ишончни мустаҳкамламоқда, ўз тақдирларини меҳнат билан яратишга интилишни кучайтирмоқда. Замондошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучаймоқда.

Буни партия кенгашимизнинг сўнгги йиғилишида, айниқса, яққол ҳис қилдим. Унда Янгийўл технологик-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг Бахтиёр Сидиқов, Гулноза Акбарова, Наргиза Баҳромова, Дониёр Насвалиев, Аъзамхўжа Қувондиқхўжаев, Нодира Абдуназарова сингари аълочи ўқувчиларининг партиямиз сафига қабул қилишни сўраб берган аризалари кўриб чиқилди. Ўз келажагини «Миллий тикланиш» партияси билан боғлаётган бу ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини бир эшитсангиз эди!

Умуман, сўнгги бир ойда партиямиз сафига 20 нафардан зиёд янги аъзо қабул қилинди. Улар орасида Имонқул Равшанов, Аширбой Юсуфалиев сингари давлат хизматчилари, илм-фан олами намоёндалари кам эмас. Бу партиямизнинг аҳоли ўртасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий фаолиятини кучайтиришга ёрдам бераётир.

Фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ва ривожланишида сиёсий партияларнинг ўрни алоҳида бўлиши лозим. «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз мақсади, вазифалари билан бу жараёнда тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётир.

Миллий тикланиш ғояси бошқа халқлар каби ўзбек халқи олдига ҳам истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўзининг тарихий ўрнини эгаллаш вазифасини қўйди.

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг бой тарихий меросига эга. Азалдан ўзбеклар деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Ўзининг иқтисодий, маданий, маърифий ўрнига кўра қўшни халқларга ўрнак бўлган, уларга ҳамиша ёрдам берган.

Ўзбекларнинг тарихда тутган ўрни, мавқеига бир мисол. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида санъаткор Мукаррама Турғунбоева бошчилигида ўзбек давлат «Баҳор» ансамбли Ҳиндистон Республикасида бўлиб, ўз санъатини ҳинд халқига намойиш қилиб, олқишларга сазовор бўлган. Уларнинг маҳоратига ҳинд халқи лол қолган. Шунда Бош вазир Жавоҳарлал Неру ўз халқи миннатдорчилигини изҳор этиб, шундай деган экан: «Сиз, ўзбеклар Ҳиндистонни икки маротаба забт этдингиз. Илк дафъа Муҳаммад Заҳириддин Бобур бошчилигида ўзбек қўшинлари Ҳиндистонни забт этган. Иккинчиси мана шу кунларда «Баҳор» ансамбли ўзининг чиқишлари билан Ҳиндистон халқини, бизларни забт этди».

«Миллий тикланиш» демократик партияси ўзининг иш фаолиятида миллатимизни дунёга танитган хусусиятларни кенг ёйяпти, ёш авлодни ажойиб қадриятларимизни авайлаб, уларни ривожлантириш руҳида тарбиялаётир. Майда-чуйда, иккинчи, учинчи даражали масалалар билан овора бўлиб қолмай, вақтни беҳуда ўтказмай, миллатимизнинг бебаҳо хусусиятларини, ҳислатларини асраб-авайлаб, уни мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий ва маънавий-маърифий ишларни кучайтираяпмиз

Партиямизнинг Янгийўл шаҳар кенгаши ҳузурида миллий қадриятларни тарғиб этувчи алоҳида гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Унинг аъзолари – зиёлилар, тажрибали, кўпни кўрган билимли кишилар. Улар маҳаллаларда, корхоналарда, ташкилотларда чиқишлар қилиб, суҳбатлар, тушунтиришлар олиб бормоқдалар.

Биз ўз ишимизда Солижон Бойматов, Аширбой Юсуфалиев, Эргаш Оқбоев, Ҳамза Аҳмедов, Дилором Рашидова сингари чуқур билимли, катта ҳаёт тажрибасига эга фаолларимизга суянамиз. Улар меҳнат жамоалари ва коллежларда ўтказган суҳбатлар тингловчилар қалбига етиб боради, уларни изланиш, меҳнат ва бунёдкорлик ишларига даъват этади.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурида «Туркистон – умумий уйимиз» деб таъкидланган. Қадимдан бир бутун бўлган ягона Туркистонда ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, уйғурлар ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб, баҳамжиҳат турмуш кечиришган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён руслар, украинлар, кейинчалик корейслар, қрим татарлари, месхети турклари ва бошқа кўплаб миллат вакиллари ҳозирги Ўзбекистонда макон топдилар ва ўз ватанлари каби яшай бошладилар.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг эндиги долзарб вазифаси жамиятдаги миллий қурилиш жараёнларини янада авж олдириш ва чуқурлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдан иборат.

Агар ҳар қайси сиёсий партия, шу жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам Ўзбекистонда миллий тараққиётга, жамиятдаги миллий қурилиш жараёнларини янада авж олдириш ва чуқурлаштириш йўлида энг долзарб ва муҳим вазифаларни ҳал қилиш, халқ ҳаётини юксалтириш йўлида астойдил ҳаракат қилса, бу саъй-ҳаракатлар натижасини барча халқлар ўзининг кундалик ҳаётида кўрса, ундан манфаатдор бўлса, шундагина бундай партияга омма эргашади, унинг ғояларини рўёбга чиқариш учун ғайрат-шижоат кўрсатади. Бу эса мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосидир.

**Маҳмуджон АҲМАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши раиси.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ҲАЁТИ

## БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ҳаракат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган иш натижалари ва навбатдаги вазифаларни муҳокама қилишди.

Шунингдек, йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Фарида Шораҳимовна Акбарова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Светлана Иномова иштирок этди.

## ДАЛА ДЎКОНИ

**Зангиота тумани Назарбек қишлоғининг «Ҳаракат» маҳалласида дала дўкони қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Мақсад аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон баҳода сотишдир. Дўкон пештахталаридаги маҳсулотлар даладан пешма-пеш олиб келинади.

Бундай дўконлар туманнинг Хонобод, Эркин, Чиғатой-Оқтепа каби қишлоқларида ҳам кўпайиб бормоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ИШ ШАРОИТЛАРИ ЯНГИЧА

***«Маҳалла» жамғармаси Бўка туман кенгаши маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг иш шароитларини яхшилаш мақсадида 2 миллион сўмлик янги жиҳозлар сотиб олди.***

Бундан ташқари миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини таъминлаш, аҳолининг маънавий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишда фаолияти намунали деб топилган 6 та маҳаллага вилоят ҳокимлиги томонидан сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари берилди.

**Мунаввара РАЖАББОЕВА.**

Танлов



## МЎЙҚАЛАМДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ

**Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида вилоятдаги ногирон болаларнинг ижодий кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

– Жамиятда ногирон болаларни руҳий-маънавий қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини қадрлаш ҳамда ўз ўринларини эгаллашлари мақсадида ўтказиб келинаётган бу танлов ўн бир йилдан буён анъанавий давом этмоқда, – дейди вилоят ногирон болалар жамияти раиси Абдумўмин Абдувалиев. – «Мафтункор ранглар жилоси» танловида 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қиз ижодкорлик қобилиятларини намойиш этдилар.

Бу танлов вилоят ҳокимлиги, ногиронлар жамияти, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари, «Соғлом авлод учун» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди. Унда шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари республика босқичига йўлланма олиш учун иштирок этдилар.

Натижаларга кўра, санъат йўналишида 1-ўрин ўртачирчиқлик Умиджон Аҳмедовга, шашка бўйича ўғил болалар ўртасида Бахтиёр Собиров ҳамда қизлар ўртасида Нигора Ғуломовага насиб этди. Барча ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. 4 нафар болага меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ажратган ногиронлик аравачалари топширилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**СУРАТДА:**
танловдан лавҳа.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Суратли ахборот



Кеча Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2007 йил 15 июнда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Бугунги босма нашрларда масъул котибнинг ўрни ва вазифалари» мавзуидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда босма нашрлар масъул котиблари фаолиятида замонавий иш услублари, нашрлар дизайни, хориж тажрибасини миллий матбуотга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Семинар-тренингда босма ОАВ бош муҳаррирлари ва масъул котиблари, журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари қатнашдилар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



Яна тўловлар ҳақида

# ИСТЕЪМОЛЧИДА МАСЪУЛИЯТ БЎЛСА

***коммунал хизматлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизми шаклланади. Бу эса ўз ўрнида соҳанинг иқтисодий ривожланишига, хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имконият яратади***

**Хўш, бу вазифалар ангренлик коммуналчилар томонидан қай даражада амалга оширилаяпти? Шаҳар ҳокимлигининг коммунал, қурилиш ва транспорт масалалари бўйича бош мутахассиси Анорбек Султоновдан бу саволга қуйидагича жавоб олдик.**

– Коммунал хизматлардан қарздорликни камайтириш, тарифларнинг асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Истеъмолчиларнинг электр энергиясидан умумий қарзлари йилнинг 1 июнь ҳолатига 12 миллиард сўм бўлиб, шундан 7,5 миллиард сўми хўжалик юритувчи субъектлар, 4 миллиард сўми эса аҳоли ҳисобига тўғри келади. Уни камайтириш мақсадида шаҳар электр тармоқлари корхонасининг абонентлар билан ишлаш бўлими вакиллари, техник назоратчилар ва банк ходимларидан иборат сайёр хизмат гуруҳлари тузилиб, улар бевосита шаҳарда, марказдан узоқ Нуробод, Янгиобод, Дукент, Қизилтоғ, Чиғирик шаҳарчалари ва маҳаллалардаги абонентларни рўйхатга олиб, ҳисоб-китобларни жойида олиб бораяптилар. Табиийки, бу аҳолига катта қулайликлар туғдирмоқда. Шу йўсинда аҳолининг электр энергиядан қарзи умумий ҳисобда ойига 250-300 миллион сўмгача камайтириб борилмоқда.

**– Электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан жорий этилаётган илғор тажрибалар хусусида тўхталсангиз?**

– Ўтган йилнинг охирида соҳа мутахассислари пойтахтнинг Миробод тумани электр тармоқлари корхонасида бўлишиб, у ердан кўп фойдали тажрибаларни ўрганиб қайтишди. Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳардаги 5/5 даҳасида фойдаланилган электр энергиясини автоматлашган усулда ҳисоб-китоб қилиш тизими йўлга қўйилди. Тизимнинг афзаллиги шундаки, истеъмолчи қанча электр қуввати сарфлаётганини ёхуд қайсидир манзилда манбадан ноқонуний фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини компьютердан аниқлаш мумкин. Йил охиригача шаҳардаги бошқа ҳудудларни мана шундай қулай тизимга ўтказиш мўлжалланган.

**– Сўнгги икки йилдан буён кўп қаватли уйларнинг хонадонларини газлаштириш давом этаяпти. Ҳозирги аҳвол қандай?**

– Шу давр ичида шаҳарда газлаштириш ишлари деярли 50 фоизга таъминланди. Ўтган йилдан бошлаб 5/2, 5/3, 5/4, 5/5 даҳалардаги уйларда табиий газдан тўла фойдаланиляпти. Шу йилнинг биринчи ярмида 5/1, 5/1а, 6/4 даҳалардаги хонадонларга табиий газ киритиш масаласи 100 фоиз ҳал қилинди. Шаҳарнинг жанубий даҳаларини газлаштириш «Ўзтрансгаз» корхонаси томонидан молиялаштирилаяпти. Яқин келажакда ҳудудга 4 километр масофада ўрта босимли газ қувурлари келтирилиб, йил охиригача яна учта даҳа табиий газ билан таъминланади. Бу ҳаракатлар 2008-2009 йиллар давомида Дукент қўрғонида давом эттирилади.

«Ўзавтосаноат» компанияси ҳомийлигида шаҳарнинг марказий насос станциясига қўшимча тўртта янги насос ўрнатилса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшиланади.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Мунаввара ИСОҚУЛОВА суҳбатлашди.**

Қарор ва ижро

**Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари, корхона фаолиятини ташкил этиш ёки тўхтатиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Улар тегишли қонунлар асосида йўлга қўйилаётир. Чунончи, корхонани ихтиёрий тугатиш Фуқаролик кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарори билан қисман тартибга солинган. Лекин амалиётда вужудга келаётган муаммолар бу жараённи тартибга солиш учун алоҳида ҳуқуқий ҳужжатни жорий этиш эҳтиёжини туғдирмоқда эди.**

# ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗ

Республика Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори бу ҳолатга барҳам бериши шубҳасиз. Унга кўра 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тўхтатишнинг соддалаштирилган тартибига ўтилади. Жумладан, ҳозиргача корхонани тугатиш бир неча йилларга чўзилиб кетарди. Янги тартиб бўйича умумий муддат рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб, тўққиз ой қилиб белгиланди.

Шунингдек, рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади. Шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилиши назарда тутилди.

Қарорда корхона тугатувчисининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, у ихтиёрий тугатишни амалга оширади ва корхонанинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, ишончномасиз корхона номидан вакиллик қилади, корхонанинг молиявий, тўлов, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолайди.

Авваллари тугатилаётган корхона рўйхатга олувчи органга ички ишлар идорасининг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномасини топширар эди. Айрим ҳолатларда рўйхатга олувчи орган корхонани реестрдан чиқаришни рад этиб, ҳужжатларни қайтарган тақдирда муаммо пайдо бўларди. Тадбиркорлик субъекти уларни ҳал қилиш учун янгидан муҳр ва штамп ясатишга мажбур эди. Янги қарорда эса, тадбиркорлик субъекти корхона муҳр ва штампини рўйхатга олувчи органга топшириши белгиланди. Бу эса тадбиркорлик субъектининг ортиқча маблағ сарфлаш ҳамда сарсон бўлишини бартараф этди. Аввал корхона тугатилаётган вақтда солиқ идорасининг текшириш тайинлаши ва уни ўтказиши ойлаб чўзиларди. Янги қарорда бундай текшириш ўтказиш учун аниқ муддат белгиланди. Тугатилаётган корхонанинг солиқ идорасига мурожаат қилган кундан бошлаб уч иш кунида молия-хўжалик фаолиятини текширишни бошлаш лозим. Текшириш эса ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Қарорда белгиланган шу каби қулайлик ва имтиёзлар келажакда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириб боришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришдаги қийинчилик ва тўсиқларнинг олдини олади.

**Иброҳим ҲОТАМОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси ходими.**

## «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖ ТОПГАН ЮРТ»

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Ислом маданияти ривож топган юрт" мавзуидаги кўргазма очилди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада олимлар, уламолар, уста ва мусаввирлар, жамоат ташкилотлари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусов, маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг ўрганиш ва халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Бир ой давом этадиган кўргазма давомида олти юздан ортиқ тасвирий ва амалий санъат намуналари, нодир осори-атиқалар билан танишиш мумкин.

**ЎзА.**

# ҚОДИР ОТАНИНГ ҚУВОНЧИ

**Зангиота тумани Хонобод қишлоғида янги қишлоқ шифокорлик пункти иш бошлади.**



Қишлоқнинг 20 минг аҳолисига тиббий хизмат кўрсатувчи шифохонани «Асолат» хусусий қурилиш ташкилоти қурувчилари бунёд этишди. Қурилишга 106 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Янги тиббий маскан асосан ҳашар йўли билан битказилди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аброр Сулаймонов. — Бу хайрли ишда фермер ва тадбиркорлар фаол иштирок этишди.

— Аввалги бино эскириб, ачинарли аҳволга келиб қолганди, — дейди қишлоқ шифокорлик пункти мудираси Хосият Бозорова. — Янги бинода эса барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Шифохонада физиотерапия, муолажа, лаборатория хоналари, малакали геноколог, болалар шифокори ҳамда терапевт беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Барча хоналарга янги жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, бу ерга келувчилар учун етарли шароит яратилган.

— Бу ерда кундузги даволаниш хоналари ҳам мавжуд, — дейди муолажа хонаси ҳамшираси Одина Ўринбоева. — Бюджет ҳисобидан ташқари, хайрия йўли билан олинган дори-дармонлар беморларга тарқатилмоқда.

Дарвоқе, янги шифохонада алоҳида дорихона ҳам иш бошлади. Бу ерда





табиий гиёҳлардан тайёрланган доривор ичимликлар савдоси, яъни фитобар хизмати ҳам йўлга қўйилди.

— Бу бино қишлоғимиз учун ажойиб совға бўлди, — дейди Қодир ота Олимов. — Айниқса, биз каби қариялар учун бундай шинам ва кўркам шифохона жуда зарур эди.

**Сабрина ЗОКИРОВА,**
**академик лицей талабаси.**

**СУРАТЛАРДА:** қишлоқ шифокорлик пунктининг очилиш маросимидан лавҳалар; дастлабки муолажа пайтида.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР МАНБАЛАРИ

***нималардан иборат, улар қандай шакллантирилади ва қандай мақсадларга йўналтирилади?***

У ёки бу корхонанинг ўз маблағлари устав, қўшилган ва захира сармоялардан, тақсимланмаган фойдадан, мақсадли тушумлар ва жамғармалардан бўлажак харажат ва тўловлар учун белгиланган захиралардан, келгуси давр даромадларидан иборат бўлади.

Устав сармояси, одатда, таъсисчиларнинг улушлари ҳисобига ташкил этилади. У корхона хўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳисобига, зарур ҳолларда эса корхона таъсисчиларининг мақсадли бадаллари ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Унга улуш сифатида бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар, ер, сув, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши мумкин. Устав сармояси таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

Захира сармоя корхона уставига биноан фойда ҳисобига яратиладиган, мулкни қайта баҳолашдан ҳосил бўладиган инфляция захиралари, текинга олинадиган мулк қиймати ҳисобига яратиладиган захираларни тўплашга мўлжалланади. У корхона устави ва қонунларга кўра ташкил этиладиган келгусидаги харажат ва тўловлар захираларидан фарқ қилмоғи керак. Келгуси харажат ва тўловлар захираси ишлаб чиқариш ёки муомала чиқимларига бир текис қўшиб бориш мақсадида белгиланган тартибда ажратмалар қилиш йўли билан ташкил қилинади. Масалан, ходимларнинг меҳнат таътилларига ҳақ тўлаш, узоқ муддат ишлаганликни тақдирлаш мақсадидаги ҳар йилги мукофотлар, саноатнинг мавсумий тармоқларида тайёрлов ишларига оид ишлаб чиқариш харажатлари, асосий воситаларни таъмирлашга алоқадор келгусидаги харажатлар учун ва бошқалар.

Айланма маблағларнинг ҳамма манбалари ўз манбалари, қарзга олинадиган ва жалб этиладиган манбаларга бўлинади. Айланма маблағлар корхона ташкил этиладиган ва унинг устав капитали тузилаётган вақтда шакллантирилади. Бунда таъсисчиларнинг инвестиция маблағлари шакллантириш манбалари вазифасини ўтайди. Фаолият юритаётган корхоналарда уларнинг айланма маблағлари олинган фойда ҳисобига ҳамда ўз айланма маблағларига тенглаштириладиган манбалар ҳисобига кўпайтирилади. Тенглаштириладиган манбалар корхонага тегишли бўлмаган, лекин унинг хўжалик фаолиятида бутун йил давомида иштирок этадиган манбалар бўлиб, у барқарор пассивлар даб аталади. Барқарор пассивларга хўжалик фаолиятида доимий иштирок этиладиган, лекин корхонага тегишли бўлмаган маблағларнинг манбалари киради. Буларга иш ҳақи ва ижтимоий суғурта бўйича минимал қарзлар, давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган кредитор қарзлар, маҳсулот ва хизматлар учун бўнаклар, қайтариладиган маҳсулот учун гаровлар бўйича харидорларнинг маблағлари ва бошқалар киради. Улардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун қарз маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Қарз маблағлар асосан банкнинг қисқа муддатли кредиторларидан иборат. Уларнинг ёрдами билан айланма маблағларга бўлган вақтинчалик қўшимча эҳтиёжлар таъмин этилади.

Кредитор қарзлар айланма маблағларни ташкил этишнинг режадан ташқари жалб этадиган манбадир. Корхоналарда кредитор қарзлар олинган товарлар учун мол етказиб берувчиларга, бажарилган ишлар учун пудратчиларга, солиқ ва тўловлар бўйича солиқ инспекциясига ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалардан вужудга келиши мумкин.

**Камола ЎЛМАСОВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти.**

## ҲАМКОРЛИК АМАЛИЁТЛАРИ

**Академик Восит Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик илмий маркази ҳамда Италиянинг Бергамо клиникаси кардиохирург олимлари жорий йилнинг 7-13 июнь кунлари юрак ишемияси касаллигидан азият чекиб келаётган бир талай беморларда аортокаронар шунт қўйиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, операцияларнинг муваффақиятли ўтиши учун шифокорларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шуниси эътиборлики, ўтказилажак жарроҳлик амалиётлари учун энг оғир беморлар саралаб олинди. Икки мамлакатнинг ҳамкор олимлари биргаликда мураккаб амалиётлардан омон-эсон, муваффақиятли ўтган беморлар ҳолидан хабар олиб турдилар.

**«Туркистон-пресс».**

17 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

# АСР ОФАТИ

***унга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир***

Бугунги кунда кишилик жамиятига гиёҳвандлик балоси «қора ажал»дек соя ташламоқда. Ҳар биримизда «Гиёҳвандлик ўзи нима?», «У қандай қусурларни келтириб чиқаради?» сингари ҳақли савол туғилади, албатта. «Наркотик» (гиёҳванд модда) Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, тиббиётда қўлланилишидан қатъи назар, кайф ҳиссиётини туғдиради ва унга ружу қўйишга олиб келади. Уни истеъмол қилиш ва кайфидан ҳузурланишни одат қилганларни «наркаманлар» дейишади.

«Наркомания» атамаси грекча «narke» – тилдан қолиш, қотиб қолиш ва «mania» – ақлсизлик, ишқибозлик сўзларидан таркиб топган бўлиб, жисмонан ҳамда руҳан гиёҳванд моддани қабул қилишга ишқибоз бўлиб қолиш – ружу қўйиш ва оқибатда, оғир асоратларга олиб келадиган касалликка айтилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёда икки юз миллионга яқин гиёҳванд бор. Дунё бўйича бу заҳри қотилни қабул қилувчилар доираси тобора ёшариб, уларнинг аксарияти ўттиз ёшга бормаган одамлардир. Игна орқали дори қабул қилинадиган гиёҳвандлик мавжуд бўлган мамлакатлар сони 1992 йилдаги 80 тадан – 1999 йилга келиб 136 тага кўпайди. Бу мамлакатларнинг 93 тасидаги нашавандлар орасида ОИТСга чалинганлар учрайди. Шунингдек, гиёҳванд моддалар етиштиришнинг молиявий жиҳатига эътибор қаратсак, ундан олинадиган даромад йилига 400 миллиард доллар билан баҳоланади.

Аэрофото усулида, сунъий йўлдошлардан суратга олишлар, жаҳон мамлакатлари ерларининг юзини баҳолаш ёрдамида гиёҳванд ўсимликлар ноқонуний ўстирилаётган ҳудудларнинг хариталари тузилиб, ялпи ҳосилни аниқлаш мумкин.

Гиёҳвандлик жиддий муаммолар келтириб чиқариш ва бу масалага жиддий эътибор зарурлигини англаб етиш оқибатида 1990 йилда Шанхайда илк бор пайдо бўлган Опиум комиссиясининг ишлари натижаси ўлароқ биринчи халқаро чеклашлар ўрнатилди.

Гиёҳванд воситалар тўғрисида ягона конвенция 1961 йили тиббиётда ишлатиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фойдаланишни чеклайдиган ҳар хил шартномаларни бирлаштирди. У 1972 йили гиёҳвандларни даволаш ва авф этиш бўйича хизматларнинг тақдим этилиши зарурлиги таъкидланган Протокол билан тўлдирилди. Бундан ташқари, 1971 йили беҳуш қилувчи моддалар тўғрисидаги конвенция қабул қилиниб, ақлий фаолиятга таъсир этадиган фармацевтика дори-дармонлари ва бошқа моддалар рўйхати бўйича халқаро назорат тизими ўрнатилди. 1988 йилда эса БМТнинг гиёҳванд ва беҳуш қилувчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича конвенцияси ишлаб чиқилди.

Афсуски, халқаро гиёҳвандлик юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказишга уриняпти. Ачинарлиси шундаки, бу иллат тобора кўпроқ ёшларни ўз домига тортмоқда. Айрим кимсалар борки, унинг кенг илдиз отишига сабабчи бўлиб қолаётирлар.

Шу боис XXI асрнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолаётган гиёҳвандликка, унинг оғир асоратларига қарши кураш нафақат мутасаддиларнинг, балки жамиятдаги барча кучларнинг изчил фаолият олиб боришларини тақозо этади.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ

**Тошкентдаги Миллий санъатлар марказида "Болажонлар-ширинтойлар – 2007" республика болалар модаси фестивали бўлиб ўтди. Анъанага кўра уни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Осиё рамзи" Ўзбекистон мода уюшмаси ташкил этди.**

Бу гал уларга "Янги авлод форуми" ва "Чодир хаёл" болалар ижодиёти марказлари ҳам қўшилди.

Фестиваль дастурига болалар либослари моделлари намойиши ва қатор танловлар – дизайнерлар, ёш манекенчилар, энг яхши либос, подиумдан энг яхши ўтиш ҳамда кичик ёшдаги болалар ижросидаги энг ёрқин ижодий чиқиш танловлари киритилди.

Дизайнерлар танловидан мақсад – экологик тоза материаллардан болалар учун кийим тайёрлаш, маҳаллий матоларни тарғиб қилиш, тажриба алмашишдир. Эътиборли томони шундаки, танловда нафақат республикада таниқли усталар, балки ёш дизайнерлар – олий ўқув юртлари талабалари ва ўқувчилар қатнашди ва улар ўз истеъдодини намойиш этиш имконига эга бўлди.

Фестиваль доирасида миллий ўйинчоқлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. У қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Сиз кутган янгилик

# УЙ ҚУРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

***«Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат банкининг кредитларидан фойдаланинг***

«Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банклари тугатилиб, улар негизида ташкил этилган «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкининг Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарларидаги филиаллари 2005 йилдан буён вилоят аҳолисига, корхона ҳамда ташкилотларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Унинг 10 та мини-банки, 7 та махсус ва 110 та жамғарма кассалари ҳам изчил фаолият юритмоқда.

АТ «Ипотека-банк» бошқаруви янги ташкил этилган оилаларга банкнинг ўз маблағи ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича ишлаб чиққан дастурда бошланғич бадал 25 фоиз бўлган, 10 йил муддатга йиллик 14 фоиз, 5 йил муддатга йиллик 13 фоиз билан, 5 йил муддатга йиллик 12 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан ипотека кредитлари ажратиш кўзда тутилган. Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида филиаллар томонидан 2007 йил бошидан 146 та кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратилган.

Бундан ташқари, республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қорамол сотиб олиш учун микрокредит ажратиш йўлга қўйилди. Вилоят филиаллари шу мақсадларда 242 та мижозга иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратди.

Пахта ва ғалла етиштирувчи 350 га яқин қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредитлар берилди. Деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулайликлар яратиш мақсадида 26 мижозга техника сотиб олиш учун 650 миллион сўм кредит ажратилди. Жумладан, 3 мижозга лизинг асосида техникалар харид қилиб берилди.

Ҳозирги кунга келиб аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида омонат кассалари томонидан «Шодиёна», «Семурғ», «Диёр», «Олтин куз», «Фазо» янги омонат турлари очилиб, уларга аҳоли қўлидаги бўш маблағлар қабул қилинмоқда.

Савдо-сотиқ, коммунал хизмат ва бошқа тўловларни амалга оширишда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида филиалларимиз томонидан 98283 та пластик карточка тарқатилиб, 427 та савдо ва банк терминаллари жойлаштирилган. Жумладан, Олмаликда 36500 дона пластик карточка ва 189 та терминал, Ангренда 16400 дона пластик карточка ва 66 та терминал, Бекободда 15100 дона пластик карточка ва 42 та терминал аҳолига хизмат қилмоқда.

Ипотека кредитлари яшаш жойида рўйхатдан ўтган, берилаётган кредит муддатини ҳисобга олган ҳолда, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Бирламчи ва иккиламчи бозорда сотиладиган уй-жойлар, яъни фойдаланилаётган ёки қурилиши тугалланган шахсий уй-жойлар, белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган ва фойдаланилаётган кўп қаватли турар жойлардаги алоҳида хонадонлар кредитлаш объекти ҳисобланади.

Ипотека кредити қурилаётган уй-жойни, у жойлашган ер участкаси билан бирга, ипотека кредити ҳисобига сотиб олинадиган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтадиган якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп қаватли уйдаги хонадонни, қарз олувчининг мулки бўлган ва ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинаётган якка тартибдаги уй-жойни гаровга қўйган ҳолда берилади.

Муомаладан олиб қўйилган ва бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека предмети бўлиши мумкин эмас.

Ипотека кредити бўйича таъминотга мажбурий талаблар шуки, бошланғич бадал маблағининг миқдори сотиб олинадиган уй-жой умумий қийматининг камида 25 фоизини ташкил этиши, кредитнинг тўлиқ даври давомида қарз олувчининг ҳаёти ва меҳнатга лаёқатлилиги ҳамда гаровга берилган уй-жой суғурта қилиниши лозим.

**Қарз олувчи кредитни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади:**

– кредит олиш учун қарз олувчининг аризаси;

– қарз олувчининг паспорти, пенсия жамғарма дафтарчасининг асл нусхаси;

– қарз олувчининг бошланғич бадални тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат (омонат дафтарчасидан нусха, кўчирма ёки маълумотнома);

– яшаш жойидан оила таркиби ҳақида маълумотнома, оиланинг вояга етган ва етмаган аъзолари шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси;

– қарз олувчи томонидан охирги 12 ойда асосий ва қўшимча иш жойидан олинган даромадлар ва ушланмалар миқдори ҳақида маълумотнома ёки қарз олувчининг яшаш жойи бўйича солиқ органлари томонидан тасдиқланган даромадлари ҳақидаги деклорациялар нусхаси;

– уй-жойни сотиб олиш учун тузилган (бошланғич) шартнома;

– мазкур уй-жойнинг қиймати бўйича амалдаги қонунчиликка асосан мустақил баҳоловчининг баҳолаш ҳисоботи.

Жамоамиз саъй-ҳаракатлари ягона мақсадга йўналтирилган. У ҳам бўлса, мамлакатимиз миқёсида соҳамизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг туб моҳиятини англаб етиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатишдир. Чунки, хизмат намунали бўлган жойда мижозлар кўпаяди, бу эса, ўз навбатида банк равнақига ижобий таъсир этади.

**Қарз олувчи томонидан тўланган бошланғич бадал миқдорига кўра, кредитнинг йиллик фоиз ставкалари миқдори қуйидагича белгиланади:**

| Уй-жой қийматидан бошланғич бадал омонати | Йиллик фоиз (кредит муддати 5 йилдан 10 йилгача) | Йиллик фоиз (кредит муддати 3 йилдан 5 йилгача) | Йиллик фоиз (кредит муддати 3 йилгача) |
|---|---|---|---|
| 25 фоиз | 17 фоиз | 16 фоиз | 15 фоиз |
| 30 фоиз | 16 фоиз | 15 фоиз | 14 фоиз |
| 40 фоиз | 15 фоиз | 14 фоиз | 13 фоиз |
| 50 фоиз ва ундан юқори | 14 фоиз | 13 фоиз | 12 фоиз |

**Музаффар ЭРМАТОВ,**
**АТ «Ипотека-банк» вилоят филиали бошқарувчиси.**

